

**Тошкент кимё-технология институти**  
**Ғ.Рахмонбердиев номидаги «Целлюлоза ва ёғочсозлик технологияси»**  
**кафедраси мудири. Профессори к.ф.д. А.Ш.Хусенов,**  
**“Газни қайта ишлаш кимёвий технологияси” кафедраси мудири. Доцент**  
**к.ф.ф.д. Ш.Ш.Менглиевнинг**  
**Мухтор Ауезов номидаги Жанубий Қозоғистон университетида бўлиб**  
**ўтган хизмат сафари бўйича**

## **ҲИСОБОТИ**

Тошкент кимё-технология институти ректорининг 2023 йил 3 апрелидаги № 2/4 сонли буйруғи ҳамда Мухтор Ауезов номидаги Жанубий Қозоғистон университетининг таклиф хатига асосан, “Газни қайта ишлаш кимёвий технологияси кафедраси мудири Менглиев Шерзод Шоимович, Ғ.Рахмонбердиев номидаги «Целлюлоза ва ёғочсозлик технологияси» кафедраси мудири Хусенов Арслонназар Шерназаровичлар, илмий, ўқув-услубий йўналишларда ҳамкорликни йўлга қўйиш, хорижий тажрибани ўрганиш ҳамда, илмий лабораториялар билан танишиш мақсадида, 2023 йил 29 мартдан 29 апрелгача Мухтор Ауезов номидаги Жанубий Қозоғистон университетида хизмат сафарида бўлишди.

Хизмат сафари давомида Жанубий Қозоғистон университетининг тузилиши, ўқув жараёни, моддий техник базаси билан танишилди.



Бакалавр, магистр ва илмий ходимлари ва замонавий таҳлил ускуна ва жихозлари (УФ, ЯМР, Структур спектрлар, масс-спектр, ГПХ, ГЖХ анализлар, экструдер, 3D-принтер, мустаҳкамликни аниқловчи жиҳоз ва бошқалар) дан фойдаланиб, илмий тадқиқот ишларини амалга ошираётганликлари ўрганилди. Шу билан бирга ушбу муассасада тиббиётда онкология соҳасидаги касалликларни даволовчи фаол функционал сегментлар олиш бўйича кўп илмий тадқиқот ишлари олиб борилаётганлиги маълум бўлди.



Шу билан бирга университет қошида йирик илмий техник кутубхона ташкил қилинган экан, ушбу кутубхонада барча талаба ва илмий ҳодим ва ўқитувчи-профессорлар 9:00 дан 20:00 гача фойдаланиш имкониятига эга экан, барча шарт шароитлар яратилган.




Биз сафар давомида Жанубий Қозоғистон университетиде ташкил этилган малака ошириш курсларида қатнашдик. Жанубий Қозоғистон университетиде 3 та модулдан иборат бўлиб, 1 модул 5 ҳафта, 2 модул 3 ой ва 3 модул 3 ҳафта. Ҳар бир модулда 5 тадан фанлар бўлиб, дарс машғулотлари етакчи профессор-ўқитувчилар томонидан олиб борилади.



Малака ошириш курсида қатнашувчи тингловчилар курс сўнгида, ўзига берилган топшириқни бажариб, ўз корхонасидаги бирор бир муаммони ечимини таклиф қилиш билан яқунлайди. Хизмат сафари натижасида “Биотехнология очистки от нефтяных загрязнений и увеличения нефтеотдачи” номли 144 соатли курсни тамомладик ва тегишли сертификатни олдик.



Сафар давомида ишлаб чиқариш корхоналари ходимлари учун (Ўзбекистон, Қозоғистон) давлатлари билан ҳамкорликда мақсадли ўқув курсларини ташкил қилиш бўйича музокаралар олиб борилди ва тегишли дастур лойиҳаси ишлаб чиқилди.



Хизмат сафари натижасида, Тошкент кимё-технология институти билан Мухтор Ауезов номидаги Жанубий Қозоғистон университети келажакда илмий-тадқиқот, илмий-услубий ишларда ҳамкорликни янада кенгайтириш, малака ошириш курслари бўйича модульни онлайн тарзда икки институт олимлари ўртасида муҳокама қилиш ва шу соҳадаги ишларни биргаликда бажаришга келишиб олинди.

**ЦЁСТ кафедраси мудири**

**А.Ш.Хусенов**

**ГҚИКТ кафедраси мудири**

**Ш.Ш.Менглиев**